



“БУЮК АЖДОДЛАР МЕРОСИ — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС АСОСИ” МАВЗУСИДАГИ VIII ХАЛҚАРО КОНГРЕСС ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли анжуман қатнашчилари!
Қадрли дўстлар!
Аввало, Ўзбекистоннинг қадимий та-
рихи ва бой маданий меросини ўрганиш
ва тарғиб этишга муносиб ҳисса қўшиб
келаётган сиз, азизларни **“Буюк аждод-
лар мероси — Учинчи Ренессанс асоси”**
мавзусидаги VIII халқаро конгресснинг
очилиши билан чин қалбимдан самимий
муборакбод этаман.

Дунёнинг узоқ ва яқин давлатларидан
ташриф буюрган сизлар каби кўзга кўрин-
ган илм-фан ва санъат арбоблари, олим ва
тадқиқотчилар, эксперт ва реставраторлар,
музейшунос ва бошқа ўнлаб соҳа мутахас-
сисларининг улуг алломалар диёри бўлган,
биринчи ва иккинчи Шарқ ренессансини
яратишда улкан ўрин тутган юртимиздаги
илмий-маданий мерос намуналарини ўр-
ганишга катта қизиқиш ва эътибор билан
қараётгани бизни албатта мамнун этади.

Бу борада Ўзбекистон маданий ме-
росини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш
бўйича бутунжаҳон жамияти томонидан
ўтказилаётган халқаро анжуманлар муҳим
аҳамиятга эга бўлмоқда.

Конгресснинг бу галги саккизинчи йи-
ғилиши доирасида мамлакатимизда бунёд
этилаётган, маданий-гуманитар йўналиш-
даги мегалойҳа — Ўзбекистондаги Ис-
лом цивилизацияси маркази фаолиятининг
жорий ва келажакка мўлжалланган илмий
дастур ва режалари муҳокама қилиниши
айниқса диққатга сазовордир.

Бунда буюк аллома ва мутафаккирлари-
мизнинг дунё, хусусан, мусулмон илм-фани
ва цивилизацияси равнақиға қўшган му-
носиб ҳиссаси, муқаддас ислом динининг
инсонпарварлик моҳияти бўйича фундамен-
тал тадқиқотлар ўтказишга оид дастурлар,
илмий лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни
амалга оширишга қаратилган чора-тадбир-
лар, ҳеч шубҳасиз, ўзаро ҳамкорлигимиз
учун янги имконият ва истиқболлар очиб
беради.

Бу ҳақда сўз юритганда, сизларнинг иш-
тирокнингизда тайёрланган **“Ўзбекистон
маданий мероси жаҳон тўпلامларида”**
лойиҳаси доирасида 70 жилдлик китоб-
альбомлар нашр қилиниб, юртимиз ва чет
эللардаги энг машҳур кутубхоналар, олий-
гоҳ ва музейлар, нуфузли илм-маърифат
масканларига етказиб берилганини таъ-
кидлаш лозим. Ана шу ишларнинг давоми
сифатида анжуман кунларида мазкур тур-
кумдаги яна 10 та янги жилд тақдироти ўт-
казилиши ҳам муҳим маданий ҳодисадир.

Фурсатдан фойдаланиб, халқимизнинг
қадимий ва бетакрор маданий меросини
ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш йўлида
жонбозлик кўрсатиб келаётган сиз, азизлар-
га, олим ва тадқиқотчилар, ношир ва журна-
листлар жамоасига, шунингдек, жаҳондаги
турли фонд ва коллекцияларда халқимиз-
нинг тарихий ва маданий ёдгорликларини
асраб-авайлаб, бизнинг мутахассисларимиз
билан яқин ҳамкорлик қилиб келаётган
олижаноб инсонларга чуқур миннатдорлик
билдираман.

Биз сизларнинг барчангизни Ўзбеки-
стоннинг чинакам дўстлари деб биламиз
ва илмий-ижодий фаолиятингизни юксак
баҳолаймиз. Юртимиздаги етакчи илмий-
тадқиқот ва таълим муассасалари, бирин-
чи навбатда, Ўзбекистондаги Ислом цивили-
зацияси маркази эшиклари сизлар учун
доимо очик.

Моҳият эътибори билан ўзида Ватани-
мизнинг шонли ўтмиши, бутунги ҳаёти ва
буюк келажакни намोён этишга хизмат
қиладиган бу ноёб замонавий масканда
турли илмий муҳокамалар, баҳс-мунозаралар
ўтказиш, долзарб ғоя ва кашфиётларни
илгари суриш, янги илмий контентлар иш-
лаб чиқиш учун барча шароитлар яратиб
беради.

Ишончим комил, Халқаро конгресс
доирасида мамлакатимиздаги маданий
ёдгорликлар, тарихий-меморий обида-
лар, нодир қўлёзмалар ва китоб фонд-
ларини ўрганиш ҳамда уларни асраш ва
тарғиб этиш борасидаги ишлар билан
яқиндан танишиб, ҳамкорлигимизни
ривожлантириш бўйича янги таклиф ва
тавсияларни билдирасизлар. Анжуман
жараёнида ўтказиладиган барча тадбир-
лар, хурматли олимларимизнинг илмий
маърузалари, муҳим ғоя ва ташаббуслари
Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-маъна-
вий тараққиётга салмоқли ҳисса бўлиб
қўшилади, деб ўйлайман.

Сизларни бутунги нуфузли анжуман-
нинг очилиши билан яна бир бор қутлар
эканман, барчангизга сичат-саломатлик,
илмий ва ижодий фаолиятингизга ютуқ ва
омадлар тилайман.

Жаҳон цивилизацияси бешикларидан
бири бўлган Ўзбекистонга — тинчлик,
дўстлик ва илм-маърифат диёрига хуш
келибсиз!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ СОҲАЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Янги Ўз-
бекистонни барпо этиш йўлида кенг кўламли ислохот-
ларни самарали амалга ошириш, ўзининг ёрқин истеедо-
ди, кўп қиррали ижодий, илмий-амалий фаолияти билан
халқимиз маънавиятини юксалтириш, мамлакатимизда
илм-фан, таълим, адабиёт, маданият ва санъат соҳалари-
ни ривожлантириш, ёшларимизни она юртга муҳаббат ва
садоқат, умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тар-
биялаш борасидаги улкан хизматлари ҳамда ижтимоий
ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий
унвонлар берилсин:

“Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” фахрий унвони билан

Қўзиев Тоир Асқарович — В.Успенский номида-
ги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг
анъанавий ижрочилик бўлими ўқитувчиси, созанда
Надирова Айгул Базарбаевна — Нукус давлат педаго-
гика институтининг мусикий таълим кафедраси доценти,
хонанда, Қорақалпоғистон Республикаси
Назарханова Севара Анваржановна — “Ўзбекконцерт”
давлат муассасаси хонандаси

Умаров Валихан Мирвасилевич — Ўзбекистон давлат
академик рус драма театри бош режиссёри
Уринбаев Камолiddин Турдимуратович — Ўзбекистон
давлат консерваторияси ректори, Ўзбекистон давлат симфо-
ник оркестри бадий раҳбари
Амонқулова Нигина Ҳайдаровна — Тожикистон
Республикаси Хукумати ҳузуридаги Телевидение ва радио
қўмитасининг “Даре” ансамбли хонандаси

➤ **Давоми 2-бетда**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ХАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор” фахрий унвони билан

Исмонлов Фахриддин Турсунович —
Олтинқўл туманидаги “Бахт имкон ри-
вож чорваси” фермер хўжалиги бошлиги,
Андижон вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи” фахрий унвони билан

Ҳамидов Мусурмон — Нурота тумани-
даги “Нурота агропила” масъулияти чек-
ланган жамияти пиллачиси, Навоий вилояти
Чориева Жумахал Қурбоновна —
Бандихон туманидаги “Бандихон агропил-
ла” масъулияти чекланган жамияти пилла-
чиси, Сурхондарё вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор” фахрий унвони билан

Кодиров Бахтиёр Абдусаломович —
Мингбулоқ туманидаги “Бахтиёр Абду-
саломович” фермер хўжалиги бошлиги,
Наманган вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” фахрий унвони билан

Алиханов Борий Батирович —
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-
си Сенатининг Оролбўйи минтақасини
ривожлантириш масалалари ва экология
қўмитаси раиси

Мирзаева Ойистахон Мамажоновна —
Избоскан туманидаги “Гулзор пари” фермер
хўжалиги бошлиги, Қашқадарё вилояти
Новицкий Зиновий Богданович —
Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот инсти-
туту катта илмий ходими

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор” фахрий унвони билан

Қурбанов Илхам Узакевич — Қарши
магистрал каналидан фойдаланиш бош-
қармаси бошлиги, Қашқадарё вилояти
Останов Раззоқ Маризаевич —
“Аму-Бухоро” машина каналидан фой-
даланиш бошқармаси бошлиги, Бухоро
вилояти

➤ **Давоми 2-, 3-бетда**

Халқаро анжуман

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ВА ТАДҚИҚ ЭТИШ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН МУҲИМ АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ҳамда Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш,
сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти (WOSCU) томонидан ташкил этилган
“Буюк аждодлар мероси — Учинчи Ренессанс асоси” мавзусидаги VIII халқаро конгресс 23 август кун
Тошкентда бошланиб, шу кунларда ўз ишини Самарқандда давом эттирмоқда.

➤ **Давоми 4-бетда**

Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!

У КУНЛАР ЭРТАК БЎЛИБ ҚОЛСИН

ЁХУД СУВЕРЕН, ДЕМОКРАТИК, ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОЙ ВА ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ ОСОН КЕЧМАГАН

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 18 июлдаги **“Ўзбекистон
Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик
байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”**ги
қарорида **“Бундан ўттиз уч йил олдин ўта оғир ва мураккаб
тарихий вазиятда қўлга киритилган миллий истиқлолнинг
бутунги кунда кўп миллатли бутун халқимизни Янги
Ўзбекистонни барпо этишдек буюк мақсад йўлида бирлаштириб,
янги ютуқ ва марралар сари илҳомлантирмоқда.**

Айнан мустақиллик туфайли мамлакатим-
из суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий
ва дунёвий давлатга, халқаро ҳуқуқнинг тўла-
қонли субъектига айланди. Дунё бизни ян-
гитдан таниди ва тан олди. Ер юзидagi турли
давлатлар ва халқлар билан дўстлик ҳамда
ҳамкорлик алоқаларимиз тобора кенгайиб,
юртимизнинг халқаро майдондаги макени ва
нуфузи ортиб бормоқда”, дейилади.

Ўзбекистоннинг сиёсий мустақилликка
эришиши тасодиф эмас, балки тарихий зару-
рат эди. Халқимиз истиқлолни кўлга киритиш
учун асрлар давомида курашиб келган. Тў-
марис, Широқ, Спитамен, Нажмиддин Куб-
ро, Темур Малик, Жалолiddин Мангуберди,
Амир Темур, Мадали эшон, Намоз Пиримкул
ўғли каби халқ қахрамонлари босқинчиларга
қарши курашларда жасорат ва мардлик тил-
соли бўлган.

Массатгеллар маликиси Тўмарис миллоддан
аввалги 530 йилда Эрон шоҳи Кир II қўши-
нига қарши курашга бошчилик қилиб, ғалаба

қозонган. Оддий чўпон Широқ миллоддан ав-
валги 519-518 йилларда аҳамонийлар шоҳи
Доро I қўшинини Қизилқум чўлида адашти-
риб, ҳалокатга йўлиқтирган ва истиқлол йў-
лида ўзини қурбон қилган. Миллоддан аввалги
329-323 йилларда кўпгина ҳудудларни босиб
олган юнон саркардаси Александр Македон-
скийга қарши курашда Спитамен кўрсатган
жасорат тарихда қолди. XIII аср бошларида
Чингизхон қўшинига қарши Темур Малик,
Нажмиддин Кубро ва Жалолiddин Мангубер-
ди аёвсиз курашди.

Буюк саркарда, Соҳибқирон Амир Темур
мўғул босқинчилари зулмидан эзилган халқ-
ни озод қилиш ва ягона марказлашган дав-
лат тузишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.
Соҳибқироннинг барча юриши ғалаба билан
тугади. Натижада Мовароуннахр марказлаш-
ган давлатга айланди.

XVI-XVIII асрларда юртимиз замини битта
амирлик ва иккита хонликка бўлинди. Улар-
нинг ўзаро уруши давлатчилик асосларини

емирди. Бундай вазиятдан фойдаланган чор
Россияси XIX асрнинг иккинчи ярми ўрталар-
ида Туркистонни эгаллаб олди. Халқ энди
чоризм истибдодига қарши курашди. 1892
йилда Тошкентда, 1898 йилда Андижонда, XX
аср бошларида Самарқанд вилояти ва 1916
йилда Туркистон ҳудудида истибдодга қарши
кўплаб кўзғолонлар бўлди.

XIX аср охири — XX аср бошларида
мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида жадид-
чилик ҳаракати пайдо бўлди. Унинг асосий
мақсади — маърифатга эришиш орқали халқ-
қимизни мустақиллик учун курашга ундаш
эди.

Ўзбекистоннинг бой, кўп жиҳатдан ўзига
хос тарихини ўрганиш, аинқиса, истиқлол ара-
фасида мамлакатимизда ҳукм сургan сиёсий,
ижтимоий-иқтисодий вазият, халқимиз бошдан
кечирган ғоят таҳликали воқеалар, ўша давр
сиёсий манзарасини тўлиқ акс эттирадиган чу-
қур таҳлиллар, яқин ва узоқ истиқболни кўзлаб
илгари сурилган муҳим стратегик қарашлар,
концептуал ёндашув ва ҳулосаларни бутун ат-
рофида баён этиш ҳам тарихий зарурат.

Дунё тан олган таниқли ёзувчи Чингиз
Айтматов оғир дард билан бундай ёзган
эди: “Одамнинг ерини тортиб олиш мумкин,
ойлигини тортиб олиш мумкин, ҳатто ҳаё-
тини ҳам олиш мумкин, лекин инсоннинг
хотирасига таъовуз қилишга кимнинг ҳади
сигади?!”.

➤ **Давоми 5-бетда**

23-26
АВГУСТ 2024 йил
ТОШКЕНТ-САМАРҚАНДБуюк Аждодларимиз Маънавий
Меросини Ўрганиш ва Тадқиқ Этиш

жамият тараққиёти учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади

Бошланиши 1-бетда

Конгрессда ИРСИКА, АЙСЕКСКО, ТУРКСОЙ сингаари халқаро ташкилотлар, “Ал-Фурқон” фонди, Халқаро Туркий академия раҳбар ва ходимлари, дунёнинг 35 давлатидан 300 га яқин олимлар, мутахассислар, тадқиқотчилар иштирок этмоқда.

24 август кунни Самарқанддаги конгресс марказида халқаро форумнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг анжуман қатнашчиларига табригини Президент маслаҳатчиси Хайридин Султонов ўқиб эшиттирди.

Табриқда конгрессда бугун ва келажакка мўлжалланган илмий дастур ва режалар муҳокама қилинаётгани диққатга сазоворлиги алоҳида таъкидланган. Хусусан, “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида” лойиҳаси доирасида 70 жиллик китоб-альбомлар нашр қилиниб, юртимиз ва чет эллардаги энг машҳур кутубхоналар, олийгоҳ ва музейлар, нуфузли илм-маърифат масканларига етказиб берилди. Ана шу ишларнинг давоми сифатида анжуман кунларида мазкур туркумдаги яна 10 та янги жилд тақдироти ўтказилиши ҳам муҳим маданий ҳодисадир, дея қайд этилган. Шунингдек, фундаментал тадқиқотларни ўтказишга қаратилган дастур, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишдаги чора-тадбирлар ўзаро ҳамкорлик учун янги имкониятларни очиб беришга эътибор қаратилган.

— Давлатимиз раҳбари табриғида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази эшиклари олимлар ва тадқиқотчилар учун ҳақиқат очиб берган, ҳар биримизнинг қалбимизда гурур ва ифтихор уйғонди, — дейди ЎзФА вице-президенти Баҳром Абдуҳалимов. — Жорий йил июль ойида мамлакатимизнинг етакчи олимлари иштирокида “Буюк аждодлар мероси — Уччинчи Ренессанс асоси” Республика форумини ўтказган эдик. Форумда Ислом цивилизацияси маркази билан боғлиқ 600 дан ортиқ тақлиф билдирилди. Бугунги конгресс ҳам ана шу тақлифлардан келиб чиқиб, халқаро тажрибани чуқурроқ ўрганиш мақсадида ташкил этилди.

Кун тартибига кўра, олимлар иштирокида “Марказий Осиё исломгача бўлган даврда”, “Жаҳолатга қарши маърифат: ислом маънавий меросини оммалаштиришнинг долзарб масалалари”, “Таълим ва фан ислом цивилизациясининг асоси”, “Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида”, “Архитектура, санъат ва ҳунармандчилик: келажак учун мерос”, “Инновацион музейлар — келажак музейи: Ислом цивилизацияси маркази ва Имом ал-Бухорий музейлари кўргазмасида



Халқаро анжуман

янги технологиялар”, “Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида: дунё ва миллий коллекциялар бўйича ишларнинг янги йўналишлари” каби мавзуларда семинарлар, муҳокамалар ташкил этилди.

Унда Ислом цивилизацияси маркази ва хорижий дизайнерлар ўз лойиҳалари, концепциялари билан ўртоқлашди. Шунингдек, илмий ходимлар томонидан музейлар ва Имом Бухорий марказининг кўргазмалари концепциялари тақдим этилмоқда. Миллий мутахассислар ҳамкорликдаги лойиҳаларни, жумладан, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий музейининг кўргазмалари бўйича видеороликлар намойиш қилинган.

— Конгресснинг асосий мақсади Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази мега-лойиҳасини халқаро илмий жамоатчиликка тақдим этишдан иборат, — дейди марказ директори Фирдавс Абдуҳалимов. — Айни пайтда фаолиятимизнинг тўлақонли ишга тушиши учун жадал ҳаракатлар бошланган.



“

VIII халқаро конгресс доирасида “Ўзбекистон маданий мероси” туркумидаги китоб-альбомларнинг 71-80 жилдлари, шунингдек, бир қатор безакли нашрлар тақдироти ўтказилди, китоб-альбомлар кўргазмалари ташкил қилинди. Хорижий мамлакатлардаги бир қанча илмий-маърифий муассасалар, ташкилотлар билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ТЕРМИЗИЙЛАР ИЛМИЙ ҲАЗИНАСИ ҚАЙТА ЮЗ ОЧМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган “Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорига кўра, қатор ишлар амалга оширилади. Хусусан, 2024 йил октябр ойида аллома таваллудига бағишланган йирик халқаро тадбир ўтказилади. Шунингдек, алломанинг “Аш-Шамойл ал-Муҳаммадийя” ва “Сунани Термизий” асарларининг академик таржима ва шарҳ тайёрланиб, нашр этилади. Имом Термизий ҳақида илмий-оммабоп ҳужжатли фильм суратга олинади ва спектакль саҳналаштирилади. Шеробод туманидаги Имом Абу Исо ат-Термизий мажмуасида термизий алломалар ҳаёти, илмий ва ижодий фаолиятига бағишланган асарларнинг нодир қўлёзма ва нашр нусхалари ҳамда китоблари кўргазмаси ташкил этилади.

Сурхон воҳасига келган сайёҳ борки, Термиз шаҳри ёғинасидан оқиб ўтувчи Амурдари ёқасида жойлашган Ал-Ҳаким ат-Термизий мажмуаси ва Шеробод туманидаги буюк муҳаддис Имом ат-Термизий мақбарасини зиёрат қилишга ошмакди.

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо аз-Заҳҳок ас-Суламий ал Бугий ат-Термизий Мовароуннахрининг машҳур муҳаддисларидан бўлиб, ҳижрий 209 (милодий 824) йили Термиз яқинидаги Буг қишлоғида туғилган. Термиз ўша даврда Самарқанд ва Бухорони Балх каби қадимий илм марказлари билан боғлаб турувчи шаҳар бўлган. Шу боис, бу ерда илм-маърифат юксак даражада ривожланган. Бўлажак буюк муҳаддис дастлабки таълимни Термиз шаҳрида олади.

Болалигидан нихоятда зийраклиги, мисли кўрилмаган ўткир хотираси, ноёб иқтидори билан тенгқурларидан ажраллиб турган Термизий турли фанларни, айниқса, ҳадис илмини алоҳида қизқиш билан эгаллайди. У замонасининг буюк муҳаддисларидан ҳадис тинглаш мақсадида Ироқда, Исфаҳон, Хуросон, Макка ва Мадинада ашайди.

Манбаларда ёзилмишча, ҳадис тўплаш ва ўрганишда Термизий ҳар бир қўлай фурсатдан унумли фойдаланган. У йўлда, сафарда бўлганда ёки бир жойда муқим турганда ҳам устозларидан, учратган ровийларидан эшитган ҳадисларни дарҳол ёзиб олиб, уларни тартибли равишда, алоҳида-алоҳида қайд қилиб

борган. Ўз даврининг етук муҳаддис олими сифатида танилган Термизий кўпдан кўп шогирдларга устозлик ҳам қилган.

Имом Термизийнинг фавқуллода ўткир зеҳни ва кучли хотираси тилларда дoston бўлган.

Ривоят қилишларича, шайхлардан бири Имом Термизийни имтиҳон қилиш учун унга қирқта ғариб ҳадисни айтиб, савол беради. Имом Термизий қирқта ҳадисни бирорта ҳарфда ҳам хато қилмай, аввалидан охиригача ёддан ўқиб беради. Шайх бундан таъсирланиб, “Сенга ўхшаган одамни кўрмаганман”, дейди.

Имом Термизий ҳижрий 250 йили Нишопурда Имом Бухорий билан учрашиб, унинг ҳузурига ҳадис илмини чуқур ўрганади, шу даргоҳда камол топади. Имом Бухорий Термизийга қарата: “Сен мендан фойда олганидан кўра мен сендан кўпроқ фойда олдим”, дегани айтилади.

— Имом Термизийдан бой мерос қолган. У — уммон. Унинг ижодида ўша давр алломаларининг таъсири юқори бўлган. Масалан, у “Ал-Китаб ул-азийм” деб номланган энг машҳур китобини Имом Бухорий билан урчишгандан кейин ёза бошлаган. Бу китоб кўпроқ “Саҳиҳи Термизий”, “Сунани Термизий” деб аталади. “Сунани Термизий” гоёт мўтабар мажмуа бўлиб, тақрорлари оз, тартиби гўзал, ўзига хос услубга эга улкан илмий асар. Имом Термизий ҳаёти давомида

Муносабат



“Сунани Термизий”, “Илалу муфрад”, “Ал-илал фил-ҳадис”, “Илалу фий ахирӣ жомӣ”, “Китаб уз-зуҳд”, “Китаб ут-тарих”, “Асма ус-саҳоба”, “Китабу фил асарил мавкуф”, “Рисола фил-хилоф вал-жадал”, “Китабул-асмо вал-куна” каби кўплаб асарлар ёзиб қолдирган, — дейди Термиз давлат университети илмий тадқиқотчиси Сарвар Тўлибоев. — Президентимизнинг “Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қароридан белгиланган вазифалар эса бугунги глобаллашув ва дин билан боғлиқ тушунчалар қорилишган бир пайтда ёш авлодди тўғри йўлда, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

Имом Термизий ҳаётини, бутун борлигини, иқтидорини илм ривожига, ҳадис илми равнақиға бахшида этган. Ҳаётининг асосий қисми ҳадис тўплаш ва ривоят қилиш билан ўтган. Айрим манбаларда у тутма кўзи ожиз бўлган дейилса, бошқа манбаларда устози Имом Бухорий вафотидан сўнг шу ҳолга тушгани айтилади.

Имом Термизий ҳижрий 279, милодий 892 йили ўзи туғилган ва ҳозирги Шеробод туманига қарашли Буг қишлоғида вафот этади. Имом Абу Исо ат-Термизий дафн этилган жойда XI-XII асрларда дастлабки

мақбара бунёд этилади. Шеробод туманидаги ушбу мажмуа 1990 йилда қайта таъмирланиб, зиёратгоҳга айлантирилди. Шунингдек, 1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан мақбарда яна бир таъмирлаш ишлари олиб боришган.

2016-2017 йилларда Абу Исо ат-Термизий мажмуасида улкан бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари бажарилди. Хусусан, 450 ўринли масжид, таҳоратхона, ошхона, бешта шарқона айвонча ва учта шарқона дарвоза қурилди. Имом Термизий мақбараси қайта таъмирланиб, унинг ёнида қўшимча зиёратгоҳ қад ростлади.

“Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги

қарорга мувофиқ эса Имом Термизий зиёратгоҳига олиб борувчи йўл инфратузилмаларини яхшилаш, жумладан, ёдгорлик мажмуаси ва унга туташ ҳудудларни обodonлаштириш ишлари янги босқичга кўтарилди.

— Президентимизнинг 2017 йил 14 февралдаги қарори асосида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди, — дейди марказ директори Музаффархон Жониев. — Ўтган 7 йил давомида Имом Термизий сингаари 100 га яқин термизийнинг ижодий ва илмий меросини излаб топиш, чуқур ўрганиш, улар абадий ором топган масканларини обод қилиш борасида беқиёс ишлар бажарилди. Алломаларнинг қатор асарлари таржима қилинмоқда, илмий рисоалар ва мақолалар ёзилмоқда, тадқиқотлар олиб боришмоқда. Қарор шу кенг миқёсli ишларнинг узвийлигини белгилаб берди.

Баъзилар Имом Термизийни Ал-Ҳаким ат-Термизий билан адаштиради. Милодий 824-892 йиллар оралиғида яшаган Муҳаммад ибн Али Абу Абдуллоҳ ал-Ҳаким ат-Термизий сўфийлик даври мутафаккиридир. У ҳадисшунослик ва ҳуқуқшунослики яхши ўзлаштирган. Замондошлари дунёқарашни кенглиги

ва чуқур тафаккур соҳиб бўлгани учун Ал-Ҳаким ат-Термизийни “Термиздан чиққан донишманд” деб атаган.

— Баъзи манбаларга кўра, Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг отаси Али ибн ал-Ҳасан ўз даврида ҳадис илмининг кўзга кўринган олимларидан бири сифатида машҳур бўлган. Араб тарихчиси ал-Ҳатиб ал-Бағдодий машҳур “Тарихи Бағдод” (“Бағдод тарихи”) асарида ёзишча, у мусулмон оламининг энг йирик марказларидан саналган Бағдод шаҳрида ўз даврининг машҳур уламолари билан ҳадис илмининг турли масалалари бўйича қизгин баҳс ва мунозараларда иштирок этган, — дейди Термиз давлат университети доценти, филология фанлари номзоди Бобоназар Муртазоев. — Бўлажак аллома Термиз шаҳрида таваллуд топиб, 8 ёшидан дунёвий ва диний илмларни чуқур эгаллайди. У 28 ёшида саёҳатга чиқади. Ватанига қайтган Термизий илм йўлини давом эттиради. Айрим низолар ортиндан юртдан кетиб кетади. У Балх, кейинчалик Нишопур шаҳридан кўйим топади. Умри охирида Термизга қайтади. Ал-Ҳаким ат-Термизий бу ерда Балх шаҳри ва Пайгамбар ороли кўриниб турадиган энг баланд қирлик, ҳузманзара ва баъзо жой таллаб, масжид ва хонақоҳ қурдириган. Бу мақбара Эски Термизда, Амурдари қирғоғида қад кўтарилиб, мақбарда илм аҳли тўпланар эди, олим вафотидан кейин ушбу хонақоҳга дафн этилган.

Ал Ҳаким ат-Термизий мақбараси IX-XV асрларга оид мажмуа бўлиб, унда масжид, мақбара, хонақоҳ ва сағана мавжуд. Дастлаб XI асрда мақбара шимолида уч гўмбазли айвон, айвон ғарбий деворида пишиқ гишт билан қопланган меҳробдан иборат масжид барпо қилинган. Мақбара бир неча марта таъмирланган. Чингизхон қўшини вайрон қилгунга қадар XII асрда ҳам таъмир этилган. XIII аср охирида Термизда мўғуллар босқини асорати туғатилгандан кейин мажмуа бирмунча кенгайtirилган. 2010 йилда зиёратгоҳда катта обodonлаштириш ишлари бажарилган. 2016 йил август ойидан 2017 йил май ойигача қайта таъмирланган. Ҳозирги кунда мазкур ансамбль туризм масканларидан бири сифатида сайёҳлар, зиёратчилар эътиборини қозонмоқда.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



МАДАНИЙЯТ МАРКАЗЛАРИ

ФАҚАТ ТАДБИР ЎТКАЗАДИГАН ТАШКИЛОТ ЭМАС

Уларнинг ўз вазифасини бажаришига имкон берайлик

Суҳбатдош



Болалигимизда қишлоқ гузариди маданият уйи бўларди. У ерда катта экранда кинолар намойиш этилар, концерт, тадбирлар ўтказиларди. Кейин улар эътибордан четда қолди. Ана шу муддат маданият соҳасида йўқотишларга сабаб бўлди. Кейинги йилларда мамлакатимизда мазкур йўналишга ҳам янги ҳаёт бахш этилди. Ҳатто “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Унда олис қишлоқ ва овулларда барча имкониятга эга маданият масканлари фаолиятини йўлга қўйиш мақсад қилинган. Қонунчиликка кўра, туман ва шаҳарларда биттадан асосий маданият маркази бўлиши

керак. Боз устига 7 мингдан зиёд аҳолиси бор қишлоқларда ҳам маданият марказлари ташкил этилади. Амалда бу қай даражада ўз ифодасини топапти? “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида маданият марказларини таъмирлаш, фаолиятини тақомиллаштиришга доир чора-тадбирлар кўрсатилган. Хўш, уларнинг ижроси нечоғлиқ амалга ошириляпти? Биз шу мавзудаги саволларга жавоб олиш учун Маданият вазирлигининг Маданий фаолият, номоддий маданий мерос ва халқ ижодиётини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Жамшидбек Ниязбековга юзландик.

Энг оғриқли нуқтамиз — таъмирталаблик

— Маданият марказлари узоқ йиллар эътибордан четда қолгани рост. Маълум муддат соҳада жиддий ўзгаришлар кузатилмади. 2017 йилдан бу масалага алоҳида эътибор берилди бошлади. Маданият ва санъат соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2018 йилги Миллий маданиятнинг ривожлантириш концепциясига маданият марказларини капитал реконструкция қилиш, янги биноларни куриш масалалари киритилди. Бу билан маданият марказларининг асоси, яъни ҳужжатлари — функциялари, паспорти, низоми кўрилиб, ишлаб чиқилди. Концепциядан ташқари “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида таъмирга муҳтож бўлган маданият марказларининг 30 фоизи таъмирланди. Ўша вақтда марказларнинг жами 80 фоизи таъмир-талаб эди. Ҳозир республикамизда 837 та маданият маркази бор. Уларнинг ярми таъмирга муҳтож. Шунингдек, уларни замонага мос равишда жиҳозлаш, ўқув адабиётлари билан таъминлаш, мусиқа чолғуларини етказиб беришдек масалалар ҳам бор.

Соҳадagi ишлар бир оз кечикди. Бунга пандемия сабаб бўлди. Яъни 2022 йилгача маданият марказларини таъмирлаш ишлари олиб борилмади. Президентимизнинг 2022 йил 2 февралдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан аввал реконструкция қилинган маданият марказларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Ўтган йили абгор ҳолдаги биноларга одамларнинг киргиси келмайди, уларни таъмирлаш керак, деган мазмундаги ташаббус илгари сурилди. Натияжада таъмирлашдан ташқари маданият марказларининг барчаси 7 турдаги миллий мусиқа асбоблари, тўлиқ услубий қўлланмалар билан таъминланганидан бўлди. Шунингдек, уларнинг огирини енгил қилиш учун давлат бюджетидан 208 та туман ва шаҳар маданият марказларига биттадан “Damas” автомобили ажратилди. Бу билан марказларни шу пайтгача қийнаб келган транспорт муаммоси ечилиб, айниқса, маҳаллаларга кириб боришда қўлайлик бўлди. 13 тагина штат бирлиги бўлган маданият марказлари тумандаги барча тадбирларни ўтказадиган, беминанат хизмат қиладиган. Биргина тўғрақ раҳбари бошловчиллик, хонадонилик, созандаликни худдалайди. Агар туманларда бир ойда ўртacha 15 дан 20 тагача тадбир ўтказилишини ҳисобга олсак, бу ҳақиқий фидойилик. Энди бошланган ишларни жадал давом эттириб, уларга барча шарт-шароитни яратиб бериш керак.



келиб чиқиб, мусиқа асбоблари бериладиган бўлди. Масалан, Хоразм жамоалари аккордеонсиз чиқиш қила олмайди. Аккордеон эса ўзимизда ишлаб чиқарилмайди, четта буюрт-



ма бердик. Барча жамоаларга замонавий овоз кучайтиргич аппаратуралари учун ҳам маблағ ажратилди. Мусиқа асбобларини бу йил 140 та жамоага, келгуси 3 йилда эса барчага тўлиқ етказиб берамиз.

Миллий контент масаласида барчамиз бирлашайлик

— Номоддий маданий меросимизни тарғиб қилиш, сақлаш, уни оммалаштириш бўйича



аниқ механизмлар ишлаб чиқилган. У давлатимиз раҳбарининг ўтган йили имзоланган “Номоддий маданий меросини муҳофаз қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилишни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди белгилаб берилган. Яъни ҳужжатда худудлар кесимида номоддий меросни ўрганиш, муҳофаз қилиш чоралари акс этган. Уларни келажак авлодга замонавий форматда етказиб бериш масаласида эса янги ташкилотга эҳтиж тугилди. Натияжада алоҳида бир институт — Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий-тадқиқот институти ташкил қилинди. Унда этнофольклорни тадқиқ қиладиган лабораториялар мавжуд бўлиб, йўқolib кетаётган меросларимизни асраб қилиш вазифасини бажаради. Мухими шундаки, мазкур институт ҳам бевосита маданият марказларига тарғиб қилиш қўрсатиш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди фольклор жамоаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Уларга ҳам эҳтиёждан

керак. Шу боис, мазкур соҳадagi барча масъул ташкилот ва идоралар ҳаммадан, фикрдош бўламиз. Миллий контент масаласида барчамиз бирлашамиз.

Хусусий сектор инвестицияга кенг йўл очади

— Айрим ҳудудларда маданият марказларини тадбиркорлар сотиб олган. Табиийки, улардан бутунлай бошқа мақсадларда фойдаланилмоқда. Бу борада қандай чоралар кўриляпти?

— Тўғри, бундай ҳолатлар мавжуд. Масалан, Жалақудуқ туманидаги таъмирталаб маданият марказини ҳокимлик хусусий боғча учун бериб юборган. Эътироз билдирил-



гач, ҳокимлик қарори бекор қилинди. Боғча учун бошқа бино ажратилди. Шу маънода, давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) асосида маданият марказлари тадбиркорларга муайян шартлар асосида берилмоқда. Яъни улар марказни таъмирлайди. Эвазига ўша ҳудудда ишлаб чиқариш, аҳолига маънавий хизмат кўрсатадиган дўконлар куришга рухсат берилади. Унга кўра, тадбиркор маданият маркази биносини бизнинг талабимизга асосан таъмирлайди. Моддий-техник базасини тўлиқ қўллаб-қувватлаш муҳим омил бўляпти. Шунинг учун давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 25 декабрда имзоланган “Аҳолига маданий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди фольклор жамоаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Уларга ҳам эҳтиёждан

қилиш имкони бор. Бозор қоидалари ишлаб бошлагач, ўз-ўзидан тадбирлар, концерт микдор ва сифатига ҳам ижобий таъсир қиладиган. Бунинг моҳиятини тушунган тадбиркорлар ҳамкорликда ишлашга қасб этаётган маданият марказларида ҳам бутунлай янгича муҳит пайдо бўлди. Касби, Жарқўрган, Булоқбоши, Чуст, Олот каби энг чекка туманларда чиройли маданият марказлари барпо бўлгани бунинг амалдаги ифодаси. Маъжозий айтганда, бундай Маданият марказларининг юраги уришни бошлади.



— Инновацион маданият марказлари ҳам бўладими, улар билан нимага эришамиз?

— Ўтган йили Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида вилоят ҳокимларига орттирган маблаг ҳисобидан биттадан намунавий маданият маркази куриш топшириғи берилди. Намунавийлиги шундаки, марказнинг кутубхонаси, кинозали, тўғрақ хоналари бўлиши керак. Бу бўйича ҳокимлар вазирлик билан биргаликда манзилли рўйхатларини тасдиқлади. Бироқ қайсидир ҳудудда ишлар жадал кетаяпти, қаердадир бошлангани йўқ. Қандай бўлмасин, бу топшириқ бажарилиши керак, албатта. Шунга қарамай, биз яна маданият марказларини замон талаблари асосида қайта кўриб чиқсак, фаолиятини ўзгартириш, яъни қизиқарлироқ қилиш учун ўзимиз ҳам ҳаракат қилсак, деган ташаббус билан чиқдик. Таклиф лойиҳаси тайёрланяпти. Норматив ҳуқуқий ҳужжат асосида ишляпмиз. Янгиликлар бор. Яъни ҳар бир ҳудудда биттадан инновацион маданият марказларини ташкил қилиш ниятидамиз. Бунинг учун Инновацион ривожланиш агентлиги билан ҳамкорликда лойиҳалар ишлаб чиқиладиган. Режага кўра, замонавий буккафелар, “ақлли” кутубхоналар,



робот гидлар хизматидан фойдаланиб, аҳоли интерактив мусиқий таълимга олиб кирилади. Замонавий кинозаллар, аёллар учун дам олиш зоналари бўлади.

Шунингдек, маданият марказларида ҳунармандларга жой ажратиб, “Усташоғирд” йўналиши асосида йўқolib кетаётган ҳунар турларини ўргатишни йўлга қўймоқчимиз. Масалан, эгар-жабдуқ ясаш, гилам тўқиш, қуроқ тикиш каби камёб ҳунарлар ёш авлодга ўргатилса, уларни асраб қолишга ҳисса қўшамиз. Ўз навбатида, ҳунармандлар фаолиятига маълум мезонлар қўйилади. Масалан, 10 нафар болани ҳунарга ўргатиб берса, марказдан маош олади. Албатта, буларнинг бари маъқулланганидан кейингина ҳукуматга тақдим қиламиз.

Бепул платформа яратилляпти

— Инсонлар ҳаётини интернетсиз тасаввур қилиб бўлмаслигини ҳисобга олиб, виртуал маданият марказининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳозирча пилот шаклида ишляпти. Хўш, бунинг қандай афзалликлари бор?

— Ёшлар ўзи қизиққан санъат тури бўйича онлайн тўғрақда сабоқ олиши мумкин. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари, санъат коллежларидан профессионал устозлар ёрдамида видеодарслар тайёрланяпти. Ҳозиргача миллий мусиқа чолғулари бўйича онлайн дарслар қилинди. Шу билан бирга, номоддий маданий мерос бўйича ҳам яхши маълумотлар берилди. Платформа тайёр бўлмагани сабаб улар ҳозирча YouTube тармоғига жойланган. Эндилкида бу ишлар платформадан жой олади.

Шунингдек, барча музейларга виртуал саёҳат қилиш, миллий мусиқалар тинглаш мумкин. Барча контентлар тўлдирилиб бўлгач, аҳолига бепул фойдаланиш учун берилади. Тегишли ташкилотларга тақдим қилинади.

Қонунлар ҳаётга тўғри татбиқ қилинса...

Суҳбат сўнгида маданият марказлари фаолияти самарадорлиги қайси мезонларга кўра аниқланаётгани билан қизиқдик.

— Қонун ҳужжатларига кўра, маданият маркази фаолиятини баҳолашда унинг моддий-техник базасини сақлашдан токи нечта тадбир ўтказилганигача ҳисобга олинади. Албатта, таъмирталаб маданият марказлари бундан мустасно. Ахир совуқ кунларда кириб бўлмай-диган марказлар 3-4 ой қандай қилиб тадбир ўтказадиган? Ҳатто маҳалла идоралари, мактаб биноларида жойлашган маданият марказлари бор. Уларнинг 160 тасида умуман бино йўқ. “Йил маданият маркази” деган танловимизда мана шу ҳолатлар инобатга олинади. Бироқ хурсанд бўладиган жиҳатимиз — маданият марказлари юқориди айтганимиздек, номоддий маданий меросни сақлайди. Шу боис, маданият марказлари фақат концерт берувчи ташкилот бўлиб қолмаслиги керак. Ахир уларнинг фаолияти жуда кенг, серкира. Уларда ҳаваскорлик театрлари ҳам бўлиши керак. Бутун атиги 26 та ҳаваскорлик театрлари бор. Лекин улар қўйётган спектакллари республика бўйича айлантира олмаймиз, чунки савияси саёз. Поштахдаги театрларга келиб, профессионал актёрлар билан ишлашга вақти йўқ. Чунки туман тадбирларидан ортмаяпти. Ваҳоланки, қонунга кўра, маданият ва санъат ходимларини жамоатчилиги асосида тадбирларга жалб қилиш тақиқланади. Улар ўз вазифасидан бўш вақтдагина хизмат кўрсатиши мумкин. Лекин кўп жойларда бу норма ишлямаяпти. Ўрганишлар шу борадаги ҳуқуқий тарғиботни ҳам кучайтириш кераклигини кўрсатамоқда. Чунки ҳоким ўринбосарларига бу ҳақда айтсак, “Шундайми?” деди ҳайратланиб. Ушбу норма ишласа, маҳаллий ҳокимликлар маданият ва санъат ходимларини рағбатлантириб туриш керак эканини англаб етати.

Умуман, ҳозир олдимизда жуда муҳим ва кенг қамровли вазифалар турибди. Уларни кечиктирмасдан, бекаму кўст бажариш керак. Ахир бунинг учун имконият ҳам, ҳуқуқий асос ҳам етарли. Бунда эса ҳар бир шахснинг иштироки муҳим. Зеро, гап ўз-ўзидан, миллий маданият ва санъатимиз ҳақида кетмоқда.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Муножат МЎМИНОВА суҳбатлашди.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 2904
41126 нусхада босилган.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манлиги: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (71) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусахҳас: Аслиддин Абдуразаков
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 22:00 Топширилди — 00:25